

Саида оилавий зўравонлик қурбонларига ёрдам бермоқда



08:58 / 21.12.2021 1521

Шимолий-Шарқий университети маълумотларига кўра, Қўшма Штатларда 13,500 ҳайвонлар учун бошпана мавжуд, бироқ оиладаги зўравонлик қурбонлари учун эса атиги 1,887 бошпана бор холос

Суданнинг Шарлотта шаҳридаги мусулмон аёл Саида 2019 йилда оиладаги зўравонлик қурбонлари учун бошпана очиш ҳақида ўйлар экан, тез ёрдам бўлимида қаерга мурожаат қилишни билмай, қаттиқ калтакланган аёлни ёдга олди.

Саида оилавий зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш учун курслар ва тренинглар очди ва Байтул ҳимоя, яъни ҳимоя уйи бошпанасини очиш учун маблағ тўплашга муваффақ бўлди. Шарлотта масжиди эҳтиёжмандлар учун мебел ва кийим-кечаклар ҳадя қилди. Бу ҳақда ВРРга таяниб, Islam News хабар берди.

Озиқ-овқат ва бошпанадан ташқари, аҳолини таъқибдан ҳимоя қилиш ва психологик ёрдам билан таъминлайди. Шунингдек, улар учун ўқув семинарларини ўтказди. Саиданинг меҳрибонлик уйида қолган аёллар зўравонлик фактларини тан олишни ўрганадилар ҳамда ҳаётлари ўзгариши кераклигини тушунадилар.

Хуршид Маъруф